



Барчамизга маълум, ҳозирда мамлакатимизда пластик карталардаги маблағлар мижоз иштирокисиз ечиб олиними каби ўғирлик ҳолатлари кўплаб учрамоқда. Хўш, бунда карталар техник томондан хавфсизликка жавоб берма-яптими ёки мижознинг ўзи хавфсизлик талабларига амал қилмаяптими?

БАНК ПЛАСТИК КАРТАЛАРИДА ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИ

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда пластик карта билан боғлиқ қуйидаги фирибгарликлар содир бўлмоқда:

- Фирибгар ижтимоий тармоқларда хайрия учун маблағ йиғилаётган пластик карта рақамларини олиб, ўз мобил иловасига бириктирган ҳолда ёки иловага рўйхатдан ўтмасдан картадаги барча маблағни бошқа ҳисобга ўтказиб олиш;

- Телеграм ижтимоий тармоғида гуруҳларга 100 та одам жалб қилган шахсга турли микдорда пул мукофоти таклиф қилиш орқали карта маълумотларини билиб олиб, мобил иловалари воситасида картадаги маблағни ўғирлаш;

- Чет эл электрон ҳамёнларидаги маблағларни онлайн айирбошлаш жараёнида пулни олиб кетиш;


- Турли ўйинлар сотиб олиш вақтида карта маълумотларини киритишда фуқароларнинг эҳтиётсизлиги натижасида картадаги маблағнинг йўқолиши;

- Онлайн савдолар (Olx.uz) вақтида карта рақамларини ўзга шахсларга ошкор қилиш натижасида картадан маблағ ўғирланиши.

Эътибор берган бўлсангиз, юқоридаги барча ҳолатлар бевосита инсон омили натижасида пайдо бўлмоқда. Фуқаролар фирибгарларга алданиб қолмасликлари учун қуйидаги картадан фойдаланиш қоидаларига амал қилиши лозим:

- Пластик картани банкдан олган

Муомаладаги банк пластик карталари сони



да унга мураккаб пароль қўйинг;

- Албатта, ўз телефон рақамингизга СМС хабарнома хизматини ёқинг, телеграм ижтимоий тармоғи орқали карта тарихини кузатиб бориш учун қуйидаги хаволаларга рўйхатдан ўтиб олиш тавсия қилинди: @CardXabarBot (UzCard), @HUMOCardbot (Humo)

- Картангиздан сизнинг иштирокингизсиз маблағ ечилган тақдирда дарҳол картангизни банк мобил иловаси орқали ёки банкка мурожаат қилган ҳолда блокланг;

- Халқаро карталарга барча хавфсизлик тизимларини ёқтиринг (3D Security, СМС хабарнома)

- Пластик картангизни бегоналарга тутқазманг.

- Карта устидаги рақамларни ўзга шахсларга ошкор қилманг.

- Пластик картангиз ПИН кодини ҳеч кимга айтманг.

- Телефон рақамингизга келган махсус тасдиқлаш кодларини бошқа шахсларга ошкор қилманг.

Юқоридаги қоидаларга амал қилиш билан сиз пластик картангиздаги маблағларни дахлсизлигига эришасиз ва бу қоидаларни яқинларингиз билан бўлишишлик баробарида, мамлакатда тўлов воситаларидан фойдаланиш маданиятини оширишга ўз ҳиссангизни қўшган бўласиз.

Санжарбек ҲАСАНОВ,
“Hamkorbank” АТБ
масофавий банк хизматлари
бўлими бошлиғи

МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ЛОМБАРДЛАР ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан “Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш тўғрисида”ги низом ишлаб чиқилиб, давлат рўйхатидан ўтказилди (2021 йил 7 май, рўйхат рақами 3300).



Мазкур низом Марказий банкнинг микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятини тартибга солиш ҳужжатларни унификация қилиш орқали тайёрланди. Жумладан, “Микрокредит ташкилотлари томонидан молиявий активлар сифатини таснифлаш, активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш заҳираларини яратиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом”даги (рўйхат рақами 2378, 16.07.2021) нормалар ягона ҳужжатга бирлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан “Тижорат банклариининг ички аудитига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги низом (2021 йил 7 май, рўйхат рақами 3302) ишлаб чиқилди ва давлат рўйхатидан ўтказилди.

ИЧКИ АУДИТГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Банкларда таваккалчиликка асосланган ички аудитни ташкил этиш мақсадида аудиторлик текширувини режалаштириш ва ўтказишда банкнинг риск-профили, жумладан, таваккалчиликларни бошқариш тизими ҳолати ва йирик таваккалчиликлар инобатга олиними лозимлиги белгиланмоқда. Шунингдек, ички аудит хизмати ходимлари мустақиллик ва ҳолислик тамойилларига риоя этган ҳолда манфаатлар тўқнашувига йўл қўймасликлари, банк фаолиятида камчилик ва қоидабузарликларни аниқлаши ҳамда уларни бартараф этиш, банк фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклифларини билдириши керак.

Низом 2021 йил 8 августдан кучга кирди.

2021 йил, июнь

УШБУ СОНДА:

➤ ОТБДАН
20 МИЛЛИОНЛИК
КРЕДИТ ЛИНИЯСИ

➤ УРГАНЧДА ЕТТБ
ВАКОЛАТХОНАСИ
ИШ БОШЛАДИ

➤ ҚУЛАЙ
ШАРТЛАРДАГИ
АВТОКРЕДИТ

➤ «ЮНУСОБОД»
БАНКОМАТЛАРДА
БИРИНЧИ

➤ 5 ОЙДА
100 ФОИЗ
КЎРСАТКИЧ

➤ БАНК ПЛАСТИК
КАРТАЛАРИДА
ХАВФСИЗЛИК
ҚОИДАЛАРИ

➤ МИКРОКРЕДИТ
ТАШКИЛОТЛАРИ
ЛОМБАРДЛАР
ФАОЛИЯТИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ

➤ ИЧКИ АУДИТГА
ҚЎЙИЛАДИГАН
ТАЛАБЛАР

ТОШКЕНТДА ХАЛҚАРО ПЛАС-ФОРУМ

“Банклар ва ритейл. Рақамли трансформация ва ҳамкорлик” мавзусига бағишланган халқаро ПЛАС-Форум банклар ва чакана савдо ташкилотлари ўртасида самарали мулоқот майдонига айланди. Тадбирда банк ва тўлов индустриясининг жаҳондаги етакчи мутахассислари иштирок этиб, банк молия

тизимини рақамлаштиришни ривожлантиришнинг асосий йўналишларига доир маълумотларни тақдим қилишди. Мазкур мулоқот аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини ошириш, замонавий чакана банк хизматлари турини кенгайтиришга хизмат қилади.

БАНК-МОЛИЯ МУҲИМ ВОҚЕЛИКЛАР, ТИЗИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР



ЕТТБ РАҲБАРЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг (ЕТТБ) биринчи вице-президенти Юрген Ригтеринк бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.

Ю. Ригтеринк Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларни юқори баҳолаб, ЕТТБ иқтисодий ўзгаришлар жараёнларини молиявий, инвестициявий ва консултантив қўллаб-қувватлашда давом этишини билдирди.

Музокаралар якунида томонлар белгиланган йўналишлар бўйича икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида кейинги қадамни белгилаб олдилар.

МУҲОКАМА УЧУН ЯНГИ ЛОЙИҲА

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг “Кредит ва тўлов ташкилотлари томонидан таваккалчилик даражаси паст бўлган хизматлар кўрсатиладиган мижозни лозим даражада текшириш чораларини қўллаш тартиби тўғрисида”ги қарорининг лойиҳаси regulation.gov.uz порталига жамоатчилик муҳокамаси учун жойлаштирилди.

Ҳужжатда ахборот технологиялари ва тизимларидан фойдаланиб мижозларни лозим даражада текшириш, биометрик идентификациялаш тартиблари баён қилинган.

Мазкур меъёрий ҳужжат лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президенти-



нинг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079 – сонли Фармони ҳамда 2021 йил 17 февралдаги “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шартшароитлар яратиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ – 4996 сонли қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди.



Осиё Тараққиёт Банки (ОТБ) ҳамда чет эл капитали иштирокидаги “Hamkorbank” АТБ Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнес, шунингдек, кишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган умумий миқдори 20 миллион АҚШ доллари бўлган кредит линияни ажратиш юзасидан келишувни имзолади.

“Hamkorbank” ва ОТБ 2010 дан ортган. Мазкур келишувнинг йилдан бери самарали ҳамкорлик ўзига хослиги шундаки, дунёнинг йирик молия институтларидан бири ҳисобланган ОТБ

томонидан 20 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит линияси “Hamkorbank”га давлат кафолатисиз тақдим этилди. Бу “Hamkorbank” ва ОТБнинг узок йилларга мўлжалланган, ҳар икки томон учун манфаатли ва ўзаро ишончга асосланган ҳамкорлик асосида иш юритаётганлигини кўрсатади.

Кредит линия кичик бизнес субъектларини ўз фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришда миллий валютадаги маблағларга бўлган эҳтиёжини қондиришга йўналтирилади. Эътиборли жиҳати, кредит линиясининг 80 фоизи айнан чекка ҳудудлардаги бизнес вакилларига ажратилади. Ҳар икки нуфузли ташкилот ўртасидаги келишув кичик бизнесдаги гендер тенгликни таъминлашга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятли.



УРГАНЧДА ЕТТБ ВАКОЛАТХОНАСИ ИШ БОШЛАДИ

Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида фаолият олиб бораётган “Hamkor” бизнес марказида Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банкнинг минтақавий ваколатхонаси очилди. Тантанали маросимда Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банкнинг биринчи вице-президенти Юрген Ригтеринк, Хоразм вилояти ҳокими Фарҳод Эрманов, “Hamkorbank” акциядорлик тижорат банки Кенгаши раиси Иқромжон Ибрагимовлар иштирок этдилар.

Эътироф этиш жоизки, бу ЕТТБнинг Ўзбекистондаги учинчи ваколатхонасидир. Бундан 2 йил аввал — 2019 йили нуфузли ташкилотнинг минтақавий ваколатхонаси Андижон шаҳрининг “Hamkor” халқаро бизнес марказида ўз фаолиятини бошлаган.

Шу кунга қадар ЕТТБ 97 та лойиҳани амалга ошириш орқали Ўзбекистон иқтисодиётига 2,4 миллиард Евро миқдорида маблағ киритган.

ҚУЛАЙ ШАРТЛАРДАГИ АВТОКРЕДИТ

“Kia” ва “Volkswagen” автомобили соҳиби бўлишни истайсизми?

“Hamkorbank” нафақат юртимиз автомобиллари, балки, хорижда ишлаб чиқарилган машиналарга ҳам кредит ажратади!



**Автокредитни
шаффоф ва қулай
шартларда
расмийлаштиринг!**



**Кредит шартлари сизга маъқул
келадиган даражада:**

- Муддати: 36 ойгача;
- Фоиз ставкаси: йиллик 26 %
- Дастлабки тўлов: 30 %
- Суммаси: 245 млн. сўмгача.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ УЧУН НАВБАТДАГИ НИЗОМ



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан “Тижорат банклари томонидан кўчмас мулкка ва қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар билан боғлиқ таваккалчиликларнинг энг кўп миқдори тўғрисида”ги низом лойиҳаси ишлаб чиқилиб, www.regulation.gov.uz порталига муҳокама учун жойлаштирилди. Эътиборли жиҳати, ҳужжат лойиҳасида қатор техник ўзгаришлар қилинди ва аввалги низомдаги кўпгина талаблар олиб ташланиб, ихчамлаштирилди.

Мазкур низом лойиҳасида банкнинг кўчмас мулклари ва бошқа мол-мулкларга нималар кириши батафсил ёритилмоқда. Шу билан бирга, банклар томонидан қимматли қоғозлар харид қилиш ва юридик шахсларнинг устав капиталида иштирок этишига доир минимал талаблар “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонунга мувофиқлаштирилмоқда.

Қимматли қоғозлар билан битимларни амалга ошириш, юридик шахсларнинг устав фондида (устав капиталидаги) улушларини ёки акцияларини энг кўп миқдори ҳисоб-китобидан банк капиталини монандлиги ҳисоб-китобларида паст таваккалчилик даражасига эга қимматли қоғозлар чегириб ташланмоқда.

5 ОЙДА 100 ФОИЗ КЎРСАТКИЧ

2001 йилда икки нафар ходим билан фаолиятини бошлаган “Балиқчи” банк хизматлар офиси “Hamkorbank” тизимида ўз ўрнига эга. Ҳозирда 11 нафар ходим 390 та юридик мақомга эга мижозга хизмат қилмоқда.



Кредит портфели 36 миллиард 748 млн. сўм, микрокредит қолдиғи 15 миллиард 128 млн. сўм, яъни режага нисбатан 261 фоизга бажарилганини кўрсатади. Шунингдек, истеъмол кредит қолдиғи 17 миллиард 29 млн. сўмни ташкил қилади. Банк хизматлар офисида бир нечта турдаги кредит хизматлари амалга оширилади. Хусусан, пул ўтказмалари, банкомат хизматлари намунали ташкил қилинган. Фойда ҳам шунга яраша. Жорий йилнинг 5 ойида 1 миллиард 500

миллион сўм, яъни режа юз фоизга бажарилди.

Банк ходимлари орасида бирдамлик мавжуд. Бу борада БХО бошлиғи Ҳаётилло Абдукаримов ҳамкасбларига ўрнатди. Унинг саъй-ҳаракатлари ва сидқидилдан қилган хизматлари ҳамда Аъзамжон Қодиров, Миржалол Мажидов, Сайдулло Қосимов сингари ёш, изланувчан ходимларнинг меҳнатини алоҳида эътироф этиш мумкин.

**Нилуфар
ЙЎЛДОШЕВА.**

Юнусобод тумани Тошкент шаҳрининг баҳаво, сўлим ҳудудларидан. “Hamkorbank” АТБ айнан шу жойда ўзининг навбатдаги тармоғини ташкил қилиб янглишмади. Чунки эндигина уч ёшга тўлган филиал бугунги кунда юқори кўрсаткичлари билан бошқаларга ўрнат бўлмоқда. Жамоада 45 нафар ходим фаолият юритади. Кўпчилиги бу тизим учун янги бўлса, бўлим бошлиқлари бошқа филиалларда тажриба орттирган малакали банк мутахассисларидир.



**“ЮНУСОБОД”
БАНКОМАТЛАРДА
БИРИНЧИ**

Эътиборга сазовор жиҳати, тармоқ 5 ойлик режа якунларига кўра, филиаллар орасида энг юқори натижага эришди. 132 фоизга етказилган кўрсаткич Юнусободда ҳаммаси яхши эканлигидан дарак бермоқда.

Банк офиси пойтахтнинг чеккароқ қисмида жойлашгани сабабли бу ерда йирик миқдорда оқими кўп эмас. Аммо филиалга қарашли 9 та банкомат ҳамда валюта айрибошлаш шохобчаси келтираётган даромад юқорилиги жиҳатидан республикада етакчи ҳисобланади. Банкоматларнинг ўз вақтида пул билан таъминланиб туриши мижозларни жалб қилаётган асосий омилдир.

Айни пайтда мамлакатимизда машҳур йирик компания — “Артел”нинг филиал мижози эканлиги тармоқ салоҳиятини намоён қилади.

Юқори натижалар ортида ходимларнинг меҳнатлари ётибди. Чакана бизнес бўлими бошлиғи Меҳриддин Шайманов, Корпоратив бизнес бўлими бошлиғи Ғайрат



Бекбўтаев каби тажрибали ходимларнинг ишга ёндошуви туфайли жамоада ўсиш ва ютуқларни кўриш мумкин. Албатта, кўрсаткичларда филиал бошқарувчиси Зафар Савурбоевнинг хизмати катта.

Нигора ТЎХТАМАТОВА.